

Набий алайҳиссаломнинг зийракликлари



08:00 / 08.11.2020 1764

Али розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадрга борганларида у ерда икки кишини кўрдик. Бири Уқба ибн Абу Муайтнинг мавлоси, бири эса қурайшлик бир киши эди. Қурайшлик қочиб кетди, лекин Уқба ибн Абу Муайтнинг мавлосини тутиб олди. Ундан «Неча кишисизлар?» деб сўрадди. У: «Жуда кўпчиликмиз», деди. Мусулмонлар ундан қавмининг сонини аниқ айтишни талаб қилишди, ҳатто уришди. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб боришди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан «Қавмининг сони қанча?» деб сўрадилар. У яна: «Аллоҳга қасам, улар жуда кўп», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг сони қанчалигини айттириш учун ҳаракат қилдилар, у бош тортди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Улар қанча туя сўйишяпти?» деб сўрадилар. У: «Ҳар куни ўнтадан», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Улар

минг киши экан. Тахминан, ҳар юзта одамга бир туя сўйилади», дедилар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан